

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 38 (998) • 2014-yil, 19-sentabr, juma

Ижроқўм йиғилиши

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.



Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг иштироки, партиянинг янги сайловолди Платформаси лойиҳасини янада такомиллаштириш, партия Сиёсий Кенгашининг навбатдаги пленумини чақириш ҳамда партия ҳаётига оид бошқа масалалар атрофида муҳокама этилди.

Эътироф этилганидек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ўтган йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва сайлов қончилигига киритилган ўзгаришлар сиёсий партияларнинг ролини янада ошириш, улар ўртасида ўзаро рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда навбатдаги сайловларнинг си-

фат жиҳатдан янгиланишига қароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмак берувчи механизмларни ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этмоқда.

Концепциядан ҳелиб чиқиб, Ўзбекистон “Адолат” СДП ташкилотлари партиявий-сиёсий фаолиятига бўлган ёндашувларини ўзгартирган ҳолда, фу-

қароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмак берувчи механизмларни ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этмоқда.

Сайловчилар ишончи учун курашишга тайёرمىз

Сиёсий партиялар имзо тўплашни бошлади

Сайлов — 2014

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар вакилларига сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилди. Мазкур жараён сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ белгиланган намунадаги имзо варақалари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин берилди.

Марказий сайлов комиссияси котиби Комилжон Одиловнинг таъкидлашича, қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинадиган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга.

— Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур, — дейди К.Одилов. — Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

2 >

Мақсадим —

Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиш

“Samo invest teks”да янги БПТ

— Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони” деб номланган сайловолди дастурида белгиланган вазифалар — Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган “ўзбек модели”нинг иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширишни таъминлашдан иборат тамойилларига ҳамроҳанг тарздаги ғоя



ва мақсадлари, социал-демократиянинг эркинлик, адолатлилик, бирдамлик каби жозибадор шиорлари менинг партия сафига киришимга

сабаб бўлди, — дейди “Samo invest teks” корхонаси раҳбари Олимжон Ғаффаров.

5 >

Ўзбекистон тинчлик истайди

Муносабат

Тинчлик ва омонлик. Бир қарашда, оддий бўлиб кўринадиган ушбу икки сўз замирида барқарор ривожланиш, юксак тараққиёт ва фаровон ҳаёт тушунчалари мужассам.

Шу боис, нуронийларимиз дуога қўл очишганида, оилаларимизга, юртимизга, бутун дунёга тинчлик ва омонлик тилашни қанда қилишмайди.

Президентимиз ҳам ўзининг ҳар бир чиқишида дунёда ва минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши — айни мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

2 >

Электрон тижорат — инновацион иқтисодиётга ўтиш сари йўл

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида кўйи палата ялпи мажлиси кун тартибига киритилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Дастлаб, депутатлар “Электрон тижорат тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

3 >

Фермер экспортдан рағбат топмоқда

Партиядошларимиз ибрати

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш Самарқанд туманининг Оҳалик тоғ ён бағрида жойлашган “Оҳалик олтин боғлари” фермер хўжалигининг банкдаги ҳисоб рақамини валюта маблағлари билан тўлдириш имконини бермоқда. Пишиқчилик мавсуми бошланганидан буён Европадаги қатор мамлакатларга бир неча минг тонна узум, олма, шафтоли экспорт қилган фермерлар боғдорчиликда интенсив технология афзалликларини ўз тажрибаларида яққол намоён этмоқдалар.

3 >

Интернет журналистикаси: замон билан ҳамқадам

Семинар

Шиддат билан ривожланиб бораётган замонамизда зарур ахборотни замонавий ахборот-коммуникация технологияларига уланган интернет ёрдамида излайдиган талабдорлар сони ортиб бормоқда. Шу боис юртимизда кейинги йилларда интернет журналистикасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, соҳа ходимларининг эркин фаолият юртишлари учун қулайлик ва енгилликлар яратилиши натижасида уз домини билан рўйхатдан ўтган веб-газета, радио ва телеканаллар сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, бугун 270 дан ортиқ миллий интернет ОАВ хизмат кўрсатаётган бўлиб, уларга ҳар ойда фойдаланувчиларнинг ўртача кириш кўрсаткичи 821 мингдан зиёдни ташкил қилмоқда.

2 >


Эртанинг эгалари

6 доимий эътиборда



Сайлов тизими:

6-7 миллий ва хорижий тажриба




Социал-демократлар

7 ҳукумат тепасида



Инновацион технология

8 озон қатламини ҳимоя қилади



Сайловчилар ишончи учун курашишга тайёрмиз

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Партиянинг парламент куйи палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг қабул қилинаётган ижтимоий-иқтисодий қарорларда партия позицияларини ифодалашда фаоллиги таъминланиб, партия Ўзбекистон келажаги ва тақдири учун катта масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлигини шакллантириб бормоқда.

Айниқса, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган "Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажгимизнинг асосий омилдир" номи маърузасида белгиланган вазифалар партия фаолиятини қайта танқидий таҳлил этиб, фаолиятни янги поғонага чиқаришга туртки бериб.



Маърузада белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, партия ўз олдига қатор вазифаларни қўйди ва уларнинг ижросини таъминлаб бормоқда.

Ушбу муҳим иккита дастурий ҳужжат асосида партия ўз фаолиятини мувофиқлаштириб бориб, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — олий ва маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловларга ўз кучи ва салоҳиятига ишонган чинакам сиёсий куч сифатида кириб келмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров сайлов кампаниясига тайёрлаш жараёнида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берар экан, ушбу даврда партия марказий органлари томонидан партиянинг янги тахрирдаги Устави ва Сайловолди дастурини тайёрлаш ишлари олиб борилганлигини қайд этди.

Хусусан, партия Сайловолди дастурининг янги тахририни ишлаб чиқишда етакчи олимлар, экспертлардан иборат гуруҳ иш олиб борди. Шу билан бирга, дастур лойиҳаси ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари муҳокамаларидан келган таклиф ва тавсиялар асосида танқидий ёндашилган ҳолда такомиллаштирилди. Тайёрланган дастур лойиҳаси тегишли ташкилотлар экспертизасидан ўтказилди.

Партиянинг янги тахрирдаги Устави лойиҳаси ҳам барча БПТ, туман ва шаҳар, ҳудудий партия ташкилотлари муҳокамасидан ўтказилиб, таклиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган "Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштироки тўғрисида"ги масала ҳам иштирокчилар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, 2010-2014 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг қарор қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиб, давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш бо-

расидаги ҳуқуқларини янада кенгайтиришга хизмат қилди. Ушбу даврда Ўзбекистон "Адолат" СДП "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун", "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" тамойилларига амал қилган ҳолда мамлакатдаги демократик янгиланиш ва модернизация жараёнида фаол иштирок этишга интилиди ва кенг аҳоли орасида ўз обрўси, таъсир доирасини шакллантириб, мамлакат сиёсий майдонида ўзининг таъсирдорлигини кўрсатишга ҳаракат қилди.

Партия бўлажак сайловларда барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларида кўп ўринга эга бўлиш ва шу асосда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш, ўз электорати манфаат ва эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда, жами-

ят ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ижроия қўмита йиғилишида сайлов кампанияси даврида партия томонидан хал этилиши зарур бўлган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этишини жамоатчиликка эълон қилиш, партия сайлов штабларини тузиш ва унинг таркибини аниқлаш, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига муносиб номзодларни саралаш, партиянинг янги тахрирдаги Сайловолди дастури лойиҳасини тайёрлаб, уни партия Қурултойи муҳокамасига тақдим этиш каби масалалар юзасидан партиянинг ҳудудий кенгашлари зиммасига юклатиладиган вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, йиғилишда "Ҳудудий партия ташкилотлари томонидан сайловларда партиянинг иштирокини қўллаб-қувватловчи 40 миң сайловчининг имзосини тўплашни ташкил этиш тўғрисида"ги масала ҳам муҳокама этилди.

Сайлов қончилиги талабларидан келиб чиқиб, бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва уларнинг муддатлари аниқ белгиланди.

Ижроия қўмита йиғилиши якунида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз



Ўзбекистон тинчлик истайди

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Бугун дунёнинг турли ҳудудларида рўй бераётган ноҳуш воқеаларнинг оқибатларини, ҳимоясиз қолган гўдакларнинг кўз ёши, оналарнинг фарёди ва вайронагарчиликларни кўриб, биллиб туришимиз. Шунинг ўзиёқ бизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг ҳар сафар тинчлик тўғрисида куюниб гапиришларида шундай фикрга келаман: фақат дунё тинчлиги ва инсониятнинг эртанги кунидан хавотирга тушган шахс ана шундай гоғлар устида бош қотиради ҳамда минг бор ўйланган режасини нуфузли минбарларда ҳам дангалаб дадил айта олади.

Юртбошимизнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари Кенгашининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисидаги нутқида ҳам бу борда минтақамизда ва дунёда долзарб бўлиб турган муаммоларни хал этиш йўллари ҳақида ҳаётий фикр-мулоҳазалар билдирди.

Айниқса, Афғонистондаги бугунги беқарор вазият ҳаммамизга хавотирга солмайди. Бугун, орадан 35 йил вақт ўтишига қарамастан, Афғонистондаги мавжуд аҳволни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ўта оғир, қалтис ва олдидан башорат қилиб бўлмайдиган вазият сифатида баҳоламоқдалар.

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг ҳудудимиз, яъни Марказий Осиё минтақаси тинчлик ва барқарорлигига ҳам энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан оқ "Кўшнинг тинч — сен тинч", деган азалий халқ ҳикматида амал қилиб, афғон моҳирасини тинч йўл билан хал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига тақрор ва тақрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Бугун дунё ўзаро алоқадорликнинг шундай бир даражасига эришдики, тинчлик, хотиржамликка эришиш фақат бир мамлакатга, бир жуғрофий ҳудудга тааллуқли муаммо бўлмай қолди. Эндиликда ҳеч бир давлат дунёдан узилган ҳолда ўзича яшай олмайд. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, экологик муаммолар, тинчлик-тотувликнинг тақдири, ер юзида тирикликни сақлаб қолиш масалалари бирлашиб, яхлитлашиб кетди. Даврнинг шиддати фақуллода тезлашди. Бундан атғи бир неча ўн йил аввал Европа ёки Осиё қитъасида юз берган бирор ноҳушликнинг таъсири кўшни қитъага етиб келиши учун ойналаб, йиллаб вақт кетган бўлса, эндиликда ахборот оламининг глобаллашуви боис, дунё бўйлаб яшин тезлигида тарқалмоқда. Бинобарин, бепарво бўлиш, огоҳликни қўлдан бой бериш, "бу муаммоларнинг менга тегишли жойи йўқ", дея калтабинлик қилиш мутлақо мумкин эмас.

Афғонистонда тинчликка эришиш йўллари масаласида Ўзбекистон раҳбариятининг прогрессив сиёсати жаҳон ҳамжамиятига, давлат арбоблари, сиёсатдонларга яхши таниш. Ўзбекистон позицияси Афғонистон муаммосини фақат сиёсий йўл билан, манфаатдор томонлар ҳамда нифоқлашаётган кучларнинг бевосита иштирокида музокара олиб бориш, шу асосда уларнинг ўзаро келишувига эришиш ва мамлакат олдига турган энг муҳим муаммоларни босқичма-босқич хал этишга асосланган. Бундан бошқача йўл билан бу заминда узил-кесил тинчлик-тотувликка эришиб бўлмайди.

Тинчлик — бебаҳо неъмат. Унга эришиш осон эмас. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида дунёнинг ҳавасини келтирадиган ютуқ ва марраларга эришган, янада улкан марраларни қўлаётган бўлса, уларнинг негизини юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик каби фазилатлар ташкил этади. Бу фазилатларни асраб-авайлаш, ҳаммиса ва ҳар жабҳада огоҳ бўлиб яшаш, овоз ва обод, келажаги буюк Ватанимизнинг шухратида шухрат қўшиш, бойликларини кўпайтириш, борини асраш, йўғини яратиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

Ривож ОТАРБАЕВ,

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақолғонистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари

Сиёсий партиялар имзо тўплашни бошлади

Давоми. Бошиқ 1-бетда

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасига биноан сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш учун 12 октябр-гача Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиё-

сий партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олингани тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим этиши шарт. Имзо варақалари топширилгач, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текширади.

— Ушбу жараёнда сиёсий партиялар вакилларининг иштирок этишига ҳам рухсат этилади, — дейди К.Одилов. —

Сайловчилар имзоси сохта-лаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси ушбу сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қўшни қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб, марказий сайлов комиссияси эълон қилинади.

Эслатиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда 2014 йилнинг 15 сентябрдан парламент куйи палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси расман бошланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-

моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбаси — 21 декабрда ўтказилади. 135 нафар депутат ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. 15 депутатлик ўрни эса Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилган.

ЎЗА

Ёшлар иш ва сармоя билан таъминланди

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ва Республика Марказий банки ҳамкорлигида "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, инновацион лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш мақсадида республикамизнинг барча вилоятларида туркум тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Шундан сўнг иштирокчилар тадбир доирасида ташкил этилган "Бўш иш ўринлари ярмаркаси"га таклиф этилди. Ярмаркада Навоий вилояти Хатирчи туманидаги жами 18 та корхона ва ташкилотлар ўзларининг юзга яқин бўш иш ўринларини таклиф этишди. Ярмаркада таклиф этилаётган иш ўринлари тўғрисида маълумот, меҳнат ва дам олиш шароитлари, иш ҳақлари, қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги кўрғазмалар воситалар орқали иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Бўш иш ўринлари ярмаркасида иштирок этган 90 нафардан ортққ иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг 61 нафари ишга жойлашиш учун йўланма олишди. Улардан 13 нафарини хотин-қизлар, 20 нафарини эса ёшлар ташкил этди. Ярмарка орқали ишлаб-бўлганларнинг деярли ярмини ўз мутахассислиги бўйича ишга йўланма олган Хатирчи туманидаги касб-хунара коллежлари битирувчилари ташкил этганлиги аҳамиятлидир.

билан яқиндан таништириш имкониятига эга бўлган стендлар намойиш этилди.

Тадбирнинг асосий қисмида Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳамда Республика Марказий банки томонидан тадбиркорлик фаолиятини банк кредитлари ҳисобига бошлаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 30 нафар ёшларга 45 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи



Ана шу ҳамкорлик асосида "Хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш — давр талаби" мавзусидаги навбатдаги тадбир Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Хизмат кўрсатиш ва сервис коллежи биносига бўлиб ўтди. Тадбир доирасида амалий семинар ва меҳнат ярмаркаси ҳам ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Республика Марказий банки вилоят бошқармаси ва тижорат банкларининг туман бўлиmlари мутахассислари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти кенгаши фаоллари, Хатирчи туман ҳокимлиги, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

бошқармаси, туман хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, тадбиркорлар, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган коллеж битирувчилари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида белгиланган хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг қўламли ислохотлар ижросини таъминлаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишларига кўмаклашишга қаратилди.

Шунингдек, семинарда фуқаролик журналистикаси ва блог ҳақини ривожлантириш тенденциялари таҳлил қилинди. Ушбу тармоқнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва айрим тушунча ва ҳолатларга аниқлик киритишда жорий йилнинг 5 сентябрда "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг ўрнига алоҳида ургу берилди. Жумладан, ушбу қонунда "блогер" тушунчасининг таърифи берилган, улар фаолиятга доир талаблар ва эълон қилинаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун уларнинг масъулиятини ошириш чоралари белгилангани қайд этилди. Бундан ташқари, семинарнинг интерфасоли ҳамда етакчи журналистлар ҳамда амалиётчилар, медиа соҳаси экспертлари билан бирга иштиробда муҳим намуна онлайн нашр бўйича лойиҳа ва таклифларини тақдим этишди.

сертификатларни топшириш маросими ўтказилди.

Тадбир якунида партия аъзолари сафига қўшилиш истиғини билдирган 50 нафардан ортққ ёшларга партия билетлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Садоқат ШАМСИЕВА

Интернет журналистикаси: замон билан ҳамқадам

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Замонавий медиа майдонни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб келаётган тизим — Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фондининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказган илмий-амалий семинар ҳам "Интернет-журналистикани ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусига бағишланди.

Тадбирда сўз олган экспертлар ахборот соҳасини ислоҳ қилишда миллий қонунчилигимизда шаклланган меъёрий-ҳужжатлар, давлат дастурларининг ижросини назорат қилишнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш, қонунчиликни янада такомиллаштириш ва интернет ОАВдаги кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда Ўзбекистонда онлайн-журналистикани ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари ҳақида тўхталишди.

Саодат СОДИҚОВА

Электрон тижорат — инновацион иқтисодиёт сари йўл

Давоми. Боши 1-бетда

Масъул кўмита вакилининг таъкидлашича, мамлакатимизда электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий шартлари меъёрий-ҳуқуқий база ишлаб чиқилган. "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон тўловлар тўғрисида", "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг қўллаб қарорлари шулар жумласидандир.

Электрон тижорат глобал интернет тармоғининг узвий бўлаги ҳисобланади. Шу маънода, банк тизими тараққиётининг ҳозирги босқичи янги ахборот муҳити — интернетнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш долзарб эканини кўрсатмоқда. Чунки бу бизнеснинг барча қирраларини жаддаллаштириб, нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда жуда муҳим омили ҳисобланади. Узро ҳамкорлик жараёнида электрон усулдан кенг фойдаланилаётгани эса тадбиркорлик субъектларининг вақти ҳамда маблағини тежаш имконини берапти. Шу муносабат билан мамлакатимизда ахборот технологиялари ва савдонинг ривожланишининг бугунги даражаси электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни тақозо этади.

Йиғилишда янги тахрирдаги қонун бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга доир устувор вазифаларни амалга ошириш доирасида электрон тижорат соҳасини тақомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича қўшимча шартнома шартлари яратилганлиги таъкидланди.

Қонун лойиҳасида жисмоний шахслар — электрон тижорат субъектлари учун электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо бўлиши шартлиги тўғрисидаги амалдаги талабни бекор қилиш, бир марталик идентификатор имзо ёки бошқа шаклдаги имзодан фой-

даланиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, ҳисоб-фактура ва бошқа зарур ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги норма ҳам жорий этилмоқда. Бу электрон битимларни расмийлаштиришни осонлаштириш ва ақцептнинг банк қарталари бўйича тўлов механизмлари билан интернет орқали биргаликда амалга ошириш имконини беради.

Қонун лойиҳаси билан жорий этилиши кутилаётган яна бир янгилик — электрон тижорат субъектларида электрон битимларни амалга оширишни таъминлашга доир хизматлар кўрсатиладиган ахборот воситачилари таркиби кенгайтилади. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва электрон тижорат иштирокчиларининг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, амалдаги қонундан фарқли равишда тақлим этилаётган қонун лойиҳасида асосий эътибор АКТнинг тобора ривожланиб бораётгани, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги талаблар, электрон тижорат механизмларини тақомиллаштириш ва фойдаланишда имкон қадар иштирокчиларга содда, аниқ хизматлар кўрсатишни йўлга қўйишга қаратилган.

Энг муҳими, ахборот тармоқлари воситасида электрон савдо операцияларининг шаффофлиги ошади, бу эса сотувчилар ва харидорларга қисқа фурсатда нархлар, сифат ва товарни етказиб бериш билан боғлиқ турли рақобатчилар тақлим этган маълумотларни олиш имконини беради.

Зухра БОТИРОВА, фракция аъзоси:

— Қонун лойиҳаси, энг аввало, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб тайёрлангани билан аҳамиятлидир. Қонун лойиҳаси амалиётга татбиқ этилишида давлат бюджетидан талаб қилинадиган маблағлар миқдорини аниқлаштириш, қонун лойиҳасидаги соҳага доир атамаларни янада аниқ ифодалаш зарур.

Тақлим этилаётган қонун лойиҳаси "Адолат" СДП Сайловолди дастуридаги жамиятнинг барча жабхаларига замонавий ахборот-коммуника-

ция воситаларини татбиқ этиш ҳамда "Электрон ҳуқумат"ни ривожлантириш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг нормаларига мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Метрология тўғри-

ликсиди инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг нормаларига мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Метрология тўғри-

ни баҳолаш соҳасига доир атамалар бирхиллаштирилаётгани партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрга-

ни баҳолаш соҳасига доир атамалар бирхиллаштирилаётгани партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрга-



қонун қўлай имконият яратишга хизмат қилади.

Фракция аъзолари кун тартибидеги кейинги масала Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилиниши муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади амалдаги қонунларни 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Респуб-

ликасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мухокамалар жараёнида фракция аъзолари Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида қонунлар мукамаллиги ва барқарорлигига эришиши, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини тақомиллаштириш устувор вазифа этиб белгилангани, аниқ шундан ташқари қонун лойиҳаси билан мувофиқлик-

ни баҳолаш соҳасига доир атамалар бирхиллаштирилаётгани партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрганиши, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини тақомиллаштириш устувор вазифа этиб белгилангани, аниқ шундан ташқари қонун лойиҳаси билан мувофиқлик-

ни баҳолаш соҳасига доир атамалар бирхиллаштирилаётгани партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрганиши, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини тақомиллаштириш устувор вазифа этиб белгилангани, аниқ шундан ташқари қонун лойиҳаси билан мувофиқлик-

ни баҳолаш соҳасига доир атамалар бирхиллаштирилаётгани партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрганиши, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини тақомиллаштириш устувор вазифа этиб белгилангани, аниқ шундан ташқари қонун лойиҳаси билан мувофиқлик-

Илбос САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

Ишончни оқлаш бирламчи масала

Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоли Муяссар Аҳмедова «Adolat» газетаси мухбири саволларига жавоб беради.

➤ Депутатлик гуруҳларида

— Бугун ўзбек аёллари жамиятининг илғор бўлиши. Уларни партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрганиши, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини тақомиллаштириш устувор вазифа этиб белгилангани, аниқ шундан ташқари қонун лойиҳаси билан мувофиқлик-

Бўлғуси сайловлар, шубҳасиз, минг-минглаб фуқаролар ишончини қозониб, депутатлик мандатини қўлга киритган юртдошларимиздан ўтган йилларни чуқур таҳлил этиб, сайловчи ишончини қай даражада оқладик, деган ҳақли саволга жавоб қайтаришларини тақозо этмоқда. Ўзбекистонни кучли, обрўли давлат сифатида кўриш, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат тарафдори бўлган партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрганиши, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини тақомиллаштириш устувор вазифа этиб белгилангани, аниқ шундан ташқари қонун лойиҳаси билан мувофиқлик-

Мазлумки, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилада ўзаро меҳр-оқибат, юксак ахлоқий ва маънавий кадриятларни шакллантириш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар иқтисодини рўёбга чиқариш учун жойларда янада қўлай шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Юртимизда аёлларга кўрсатилаётган бундай эътибор туфайли бугун ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларида хотин-қизларнинг ўрни сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, аёлларнинг нафақат ижтимоий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам камол топишларига замин яратяпти. Бугун партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрганиши, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини тақомиллаштириш устувор вазифа этиб белгилангани, аниқ шундан ташқари қонун лойиҳаси билан мувофиқлик-

Айни пайтда шаҳардаги 300 нафар аъзонининг 170 нафари хотин-қизлардан иборат. Шаҳримиздаги 19 дан зиёд БПТнинг 12 тасига ҳам хотин-қизлар етакчилиги қилинмоқда. «Соғлом бола йили»нинг ўтган даврида тадбиркор хотин-қизларимизга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда 50 дан ортик тарғибот тадбири ва ўқув-семинарлар ташкил этилди. 1000 га яқин хотин-қизлар иштирок этган ана шундай учрашувларда асосий эътибор партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрганиши, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини тақомиллаштириш устувор вазифа этиб белгилангани, аниқ шундан ташқари қонун лойиҳаси билан мувофиқлик-

— Жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар арафасида бугунги депутат энг аввало қандай вазифаларга эга бўлиши керак деган савол туғилади?

— Ушбу саволга жавоб қайтаришдан олдин бугунги сайловчи гоъвий-сиёсий қарашлари билан аввалгиларидан фарқ қилишни айтиш керак. Депутатлик мақомига эга бўлиш эса бу, аввало, юксак масъулият, демакдир. Шу маънода ҳам фуқаролар ҳаётга дахлдор ҳар қандай масала депутат эътиборида бўлиши керак.

Депутат — халқ вакили. Унга энг катта ваколатни, аввало, одамлар берган. Уларнинг манфаатларини муносиб ҳимоя қила олиши, муаммоларини ҳал этишда қўмақдош бўлиши, тақлим ва мулоҳазаларини ижро ҳоқимияти олдига дадил билдиришига кўзи етгани, халқ унга ишонгани учун сайлаган.

Шу боис бугуннинг депутати, энг аввало, одамлар дардини ҳис қилиши, аҳолининг кечинмалари, ўй-хаёллари, қўвонч ташвишлари билан яшаши керак. Бу унинг биринчи галдаги вазифасидир.

Депутат бўлдимми, демак, мақсадимга эришдим, деб ҳисоблайдиган, сайловларда берган ваъдаларини унутиб қўйдиганлар ҳам, афсуски, учраб туради. Одамлар билан суҳбатлашиб қолганда, уларнинг айримлари, ҳатто ўз ҳудудидан сайланган депутатларни танитмаслиги, уни умуман кўрмагани, қайси партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрганиши, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини тақомиллаштириш устувор вазифа этиб белгилангани, аниқ шундан ташқари қонун лойиҳаси билан мувофиқлик-

Менинг фикримча, депутат энг аввало, ҳар қандай воқеаликка тезкорлик билан муносабат билдириши, уларни ҳолисона таҳлил қилиши, сиёсий ва иқтисодий соҳаларни чуқур билиши, бир сўз билан айтганда, етарли интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши зарур.

Чунки биз ахборот-коммуникация асрида яшапмиз. Бугун мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги хабарлар турли оммавий ахборот воситаларида у ёки бу кўринишда тарқатилмапти, оддий одамлар уларнинг мазмун-моҳиятини англаб-англамай, бирор-бир янгилик, хабар ортида яширинган асосий мақсадни илғаб-илғамай қабул қилаёпти.

Шундай шароитда депутатларнинг вазифаси фақат одамларнинг муносабатларини эшитиш, арзномаларини ўрганишдангина иборат бўлиб қолмаслиги, балки аҳолининг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтиришга интилиши, уларни ахборот хужуридан ҳимоя қилиш борасида ҳам фаоллик кўрсатиши зарур. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали ёки сайловчилар билан бевосита учрашувларда юртимиз ва дунёда содир бўлаётган эътиборга молик воқеалар, маҳаллий ва глобал ўзгаришлар, янгиликларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида одамларга ҳолис тафсилотлар бериши, умуман олганда, депутатнинг қарши, нуктаи назари жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

Бироқ менинг назаримда, бизнинг бу борадаги фаолиятимизда камчиликлар йўқ эмас.

Шу билан бирга сайловчилардан келиб тушаётган муносабатлар беъэтибор қолдирилмаслиги керак. Уларнинг ўзига яраша масъулияти борлиги, ҳар бир муносабат ортида бизга ишонч билдирган сайловчи турганлигини унутмаслигимиз даркор. Энг муҳими, ушбу муносабат замирида сайловчининг ишончи борлигидир. Депутатларимиз аниқ пайтда ҳар қандай масалага шу нуктаи назардан ёндашмоқдалар. Агар ўтган йили ана шундай муносабат, тақлим ва тавсиялар асосида Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи томонидан шаҳар сессиясига жами 3 та масала киритилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 35 та масала юзасидан жойларга сўрономалар жўнатилди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди. Бундан ташқари, 6 та масала юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилиб, аниқ вазифалар юзасидан назорат-таҳлил ишлари амалга оширилмоқда.

Лекин шунга қарамай, депутатларимиз, партиясизликнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги амалиёт ҳамда хорижий тажриба ўрганиши, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини тақомиллаштириш устувор вазифа этиб белгилангани, аниқ шундан ташқари қонун лойиҳаси билан мувофиқлик-

Фермер экспортдан рағбат топмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

— "Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари боғимизга ташриф буюриб ишимизга юқори баҳо бердилар, — дейди "Оҳалик олтин боғлари"

фермер хўжалигининг бош мутахассиси, "Адолат" СДП аъзоси Дилшод Салимов. — Конференция қатнашчилари орасидаги бизнес вакиллари билан махсулот экспорт бўйича янги фойдали шартномалар тузди.

Дарвоқе, партиядошларимиз меҳнат қилаётган фермер

хўжалиги 600 гектардан ортик томчилик сугориладиган мевазорга эга. Ҳосилдорликнинг учинчи йилга келиб ҳозир бу ерда гектаридан 28 тоннадан сара мева териб олинмоқда.

Ҳосилнинг бир қисми ички ва ташқи бозорга, бир қисми махсус музлатгичли омборналарга етказиб берилмоқда.


Шу йўл билан аҳолини сифатли мева билан қишда ҳам таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Бугун эллик нафар мутахассис боғбон меҳнат қилаётган мазкур фермер хўжалигида юқори рентабелликка эришилмоқда. Ҳар гектар боғдан 25-30 миллион сўм атрофида даромад олинмоқда. Эътиборлиси шундаки, жамоа аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлашда адолат меъёрларига қараб иш тутилмоқда. Шу боис боғбонларнинг моддий манфаатдорлиги юқори.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, "Оҳалик олтин боғлари"да юзага келган илғор тажриба бугун Самарқанд вилоятидаги ўнлаб фермер хўжаликларида муваффақиятли қўлланилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Вилоятда интенсив боғ майдонлари икки йилда 1000 гектарга ошгани ва фермер хўжаликлари базасида озик-овқат махсулотларининг салмоқли захираси яратилаётгани ана шундан далолат бермоқда.

З. ТУРАҚУЛОВ

Суратда: "Оҳалик олтин боғлари" фермер хўжалигида етиштирилган сархил мевалар.



Мақсадим — Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиш

«Давоми. Боши 1-бетга»

— Барчамиз яхши биламизки, илгарилар "тадбиркор бўламан", деган аҳд ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди. Шу боис изланиш йўқ эди. Ҳозир замон бошқача — ишбилармонга, ишлайман деганга имтиёз ҳам, имконият ҳам етарли. Олиб бораётган ишларимизнинг бароридан келаётганининг ҳам сабаби шунда. Қарор ва фармонлар, айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йилда қабул қилинган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бизнесни йўлга қўйишга қанот бўлди. Чунки мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини янада содда-далаштириш билан бирга, уларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини янада кенгайтди. Шундан келиб чиқиб, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхонага асос солдик. Ҳозир жаҳон трикотаж бозори конъюктурасини ўрганиб, янги технологиялар олиб келиш ҳаракатидамыз. Ушбу режа амалга ошса, яна 70 та янги иш ўрни яратилади.

Тан олиш керак, сўнгги йилларда мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодийимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қўлай муҳит яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принцип жорий этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараёнлар учун ҳаражатлар қиймати 5 марта қисқартирилди. Бу ҳам бўлса, мустақиллик шарофати ва Юртбошимизнинг узқони қўзлаган сиеватининг маҳсули, деб ўйлайман.

Еши катталар яхши эслашади, 90-йилларнинг бошларида мустақил юртимиз келажагига нисбатан шубҳа билан қара-



фат кўрсаткичлари ортаепти. Илғор ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, мобил телефонлари "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан харидорлар қўлига етиб бормоқда. Музлаткич, совутич, кондиционер, чангютич, мебель жиҳозлари ёки қурилиш материаллари тайёрлайдиган корхоналаримизни айтмайсизми?! Ҳўш, ана шундай корхоналарда юксак технологияларни билимдонлик ва маҳорат билан ким бошқарапти? Албатта, мустақиллик йилларида туғилиб ўсган, бугун икки-учта хорижий тилда бемалол сўзлаша оладиган, қалбида шу азиз Ватанга меҳр-муҳаббати кучли ўғил-қизларимиз бошқармоқда. Бундан ҳаммамиз фахрланамиз. Агар менам "Мустақиллик қандай имконият, имтиёзлар яратиб берди?" деб сўрашса, ҳеч иккиланмай, тадбиркорликка, дунёга чиқишга, ривожланган давлатлардаги бизнес соҳаси вакиллари билан ўзаро тажриба алмашишга кенг йўл очиб берди, деган бўлардим.

Этиборлиси шундаки, тадбиркор раҳбарлик қилаётган "Samo invest teks" корхонасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгашининг йиғилишидан кейин бошлангич тартиб ташкилоти тузилди. Тадбирда Ватан тараққиёти, юрт равнақи учун бел боғлаган "Адолат" социал-демократик партияси корхона ишчиларига манзур бўлди. Ташкилотчилар ишчиларга Ўзбекистоннинг сиёсий майдонидан мустақам ўрин эгаллаган «Адо-

— «Адолат» айна биз боп партия экан, — деди "Samo invest teks" корхонаси ишчиси Шохиста Назаралиева. — Бизга партиянинг ишчилар манфаатини ҳимоя қилиш, аҳоли даромадларини изчиллик билан оширишга оид мақсадлари маъқул келди. Партия Устари ва Дастури билан танишиш қиздим. Улар менинг қарашларимга мос тушди.

БПТга корхона раҳбари Олимжон Гаффаровнинг ўзи



бошчилик қилмоқда. Раис ўз сафига 7 нафар партия аъзосини бирлаштирган бу кўйи бўғиндаги ишларни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш учун барча чораларни кўряпти. Сафдошларни ташаббускорликка ундамоқда. Чиммаларидаги масъулиятни қўриқ хис этган ҳолда фаолият юритиб, партия ғояларини кенг тарғиб этишга руҳлантиряпти. Ахир бошлангич ташкилот — партиянинг мустақам

аъзосига фараҳлик бағишлаяпти. Эндиликда кўйи бўғин имкониятлари партиявий ишларни кучайтиришга йўналтирилмоқда. Бу беҳиз эмас, албатта. Ахир БПТда амалга оширилган ҳар бир янги иш, эришилган ютуқ сафдошлар меҳнатининг кўзгусига айланади. Иқтисодий ислохотларга қанот бағишлаётган сафдошларнинг қиллигини, нималарга қодирлигини билиб олиш

тинчилиги, халқ фаровонлиги» каби мавзуларда бир қатор тадбирлар, давра сўхбатлари ва анжуманлар ташкил этишни режалаштирдик. Минг бора эшитгандан кўра бир бора кўрган афзал, деганларидай Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари билан учрашувлар ташкил этиб, тадбирлар ўтказишининг ҳам фойдаси катта. Ахир ишчилар юртимизда кенчаётган тўб ўзгартиш ва янгиликларни шуқуҳи ила яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Юртимизда кенчаётган кенг қамровли ислохотлар уларнинг онгу шууридаги ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Шундай экан, янги замон нафаси билан яшаётган ишчилар жамоаси учун бундай ёндашув ўзига хос янги имкониятга айланиши мумкин. Ваҳоланки, сиёсий жараёнлардан хабардор, иқтисодий-ҳуқуқий билимларга чанқоқ, саводдон ишчилар, муҳандис-техник ходимларнинг иши унумли бўлади, салоҳияти ошади, — дейди Олимжон Гаффаров. — Биз Президентимизнинг «Киши тоза қалб билан, чин кўнглидан бир ниёт қилиб, интилса, унга албатта эришади» деган сўзларини шор қилиб яшаб, юксак натижаларга эришишни ниёт қилганимиз. Мақсадим — Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш. Бунда менинг ҳам ҳиссам борлигини ҳис қилиш.

Ҳа, бугун қай бир сиёсий партия давлат, жамият олдида ўзини кўрсатишга, янги янги қонун лойиҳалари, ташаббуслар билан чиқишга ҳаракат қилса, сиёсий жараёнларда фаоллик кўрсатса, ушбу партиянинг электорати кенгайиб, аъзолар сони ортиб бораверадиган бўлади. Бу борада эса партиянинг қўйи тизими ҳисобланган бошлангич партия ташкилотлари томонидан олиб борилган ишлар қўлами алоҳида аҳамиятга эга.

Феруз Жўраев, «Адолат» муҳбири



ганлар жуда кўп бўлган. Айтайлик, илгари қурилган корхоналар тўхтаб қолади, мутахассислар етишмовчилиги кузатилади, деган турли хил фикрлар айтилган эди. Лекин ана шундай қарашларнинг куруқ бўхтон экани, бу бизни кўролмасликдан бошқа нарса эмаслиги, мамлакатимиз танлаб олган тараққиёт йўли нақадар тўғри ва ишончлигини бугун ҳаётнинг ўзи яққол исботлаб бермоқда. Ҳозир енгил ёки юк ташиш автомобиллари дейсизми, улар учун двигателъ, бутловчи қисмлар бўладими, тракторлар, трактор тиркамалари бўладими, ҳаммаси ўзимизда ишлаб чиқариляпти. Далаларимизда етиштирилган пахтадан, аввалгидек, фақат хомашё сифатида эмас, энди тайёр маҳсулотга айланган ҳам сотаяпмиз. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган тўқимачилик корхоналаримизда сон эмас, си-



лат» СДПнинг ғоялари, дастури, мақсад ва вазифалари, бугунги кундаги самарали фаолияти тўғрисида гапириб беришиди. Партиянинг Сайловолди дастурида белгилаб берилган 9 та йўналишдаги устувор вазифаларнинг ҳар бири хусусида батафсил тўхталиб ўтишди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси фаолияти, депутатларнинг қонун ижодкорлиги борасида олиб бораётган ишларидан ҳам тадбир иштирокчилари яқиндан хабардор этилди. Ижтимоий адолатни ўз фаолиятининг асосий дастуриламалига айлантирган партиянинг, айниқса, хотин-қизлар, ёшларга муҳим эътибор билан қараётганлиги, унинг сафида ташаббускор, фидойи, жонкуяр аёллар, ёшлар тобора қўпайиб бораётганлиги тўғрисида билдирилган мулоҳазалар ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади.



таянчи. Ундаги ҳар бир иш, янгилик ва ташаббус сиёсий кучнинг обрўсига обрў қўшади, мавқеини мустаҳкамлайди. Вазифалар эса кўп. Бундан асло чўчимаслик керак. Олдинга интилиш, умумий мақсад сари дадил бориш ва албатта, амалий натижаларга эришиш бугунги куннинг муҳим вазифасига айланганлигини маслакдошлар ҳеч қачон унутмасликларни лозим. Ўзбекистон «Адолат» СДП сафидаги Дилфуза Холиқулова, Дилбар Дусанова, Нафиса Маҳаммадиева, Раҳбарой Холмуродова ва Дилноза Муродовалар бугун ўз ишининг моҳир устасига айланган. Сафдошлар ҳамжиҳатликда ишлаб, партиявий ишларга қанот бағишламоқда. Ҳар бир аъзо ўзига юклатилган топшириқни сидиқликдан адо этишга ҳаракат қилмоқда. Ишда ва партиявий жараёнларда бошқаларга намуна бўлишга интилиш ҳисси ҳар бир партия



иштирокчилари тез-тез ташриф буюрадиган бўлиб қолган. Чунки янги сафдошларнинг муҳим сиёсий жараёнлар олдида сиёсий билимларини ошириш устувор вазифа саналади. Шу нуқтаи назардан қуни кеча қўйи бўғин аъзолари ва корхона ишчилари иштирокида Президентимиз томонидан имзоланган ва қўлга кирган янги қонунлар, сайлов қонунчилигига оид ўзгаришлар, қарор ва фармонлар мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди. Бунинг ортидан корхонанинг яна 20 нафар ходимаси БПТ сафига қўшилиш истагини билдирмоқда. Партия аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш, уларни партиянинг юқори органлари қарор ва фармойишлари ҳамда кўрсатмалари билан мунтазам таништириб бориш мақсадида бошлангич ташкилот хонаси партиянинг имижига мос равишда жиҳозланиб, намунали БПТга айлантирилди.

— Биз бу билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Партия электорати манфаатларини таъминлаш, мақсад-вазифаларини кенг жамоатчиликка етказиш учун «Сиёсий партия ва сайловчилар», «Сиёсий жараёнларда ёшларнинг ўрни ва роли», «Мақсадимиз — эл

Сўранг, жавоб берамиз!

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан жорий йилнинг 15 сентябрдан мамлакатимизда сайлов кампаниясига старт берилганлиги тўғрисида матбуот орқали хабар топдик. Маълумки, сайлов жараёнига ҳар хил ҳолатда, турли ҳаракатлар билан тўсқинлик қилиш ҳоллари учраши мумкин. Қонунда бундай ҳаракатлар, яъни ҳуқуқбузарликлар учун қандай чоралар белгиланган? Умуман, жорий йилнинг декабрь ойида олий ва маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг адолатли ва қонун устуворлиги талаблари асосида ўтиши учун қандай ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди?

Айман КАЙПНАЗАРОВА, партия аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сайловларда қонун устуворлиги таъминланади

Дарҳақиқат, фуқароларимиз муҳим сиёсий жараёнлар арафасида турибди. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда сайловларнинг демократик таъминлиги асосида, адолатли ўтишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга муҳим эътибор қаратилди. Хусусан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида 2011, 2012 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ва сайлов қонунчилигига бир қатор муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайлов кампаниясини умумэтироф этилган демократик принциплар ва қонунчилик талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Хусусан, жорий йилнинг 28-29 август кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида қабул қилиниб, давлатимиз раҳбарининг имзоси асосида 5 сентябрь кунги қўлга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга асосан фаолиятининг асосий принципларини мустақиллик, қонунчилик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатчилик ташкил қиладиган Марказий сайлов комиссияси мақоминанинг конституциявий мустақамланганлиги сайловларнинг демократиклиги, очик ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатига айланади.

Шу билан бирга мазкур қонун билан сайлов соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар жорий қилинди. Яъни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сайлов соҳасида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун бир қатор маъмурий жавобгарликлар белгиланди.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур янгиланишлар яқинда Конституцияимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан узвий боғлиқдир.

Ҳўш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг асосий хусусиятлари нимада? Биринчидан, Кодексга ушбу қоидаларни тартибга солишчи «Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» номли янги боб киритилиб, ушбу бобдан 8 та янги турдаги маъмурий жавобгарликлар ўрин олган.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашмиш (мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима);

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик (мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима);

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш (мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима);

Сайловолди ташкилотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш (энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима);

Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш (фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима);

Сайловга ёки референдумга тайёргарлик қўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш (энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима);

Шунингдек, сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима чоралари қўлланади.

Кодексга киритилган мазкур ўзгаришларнинг яна бир муҳим жиҳати унда сайлов қонунчилиги ва тартиб-қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича фуқароларга алоҳида, мансабдор шахсларга алоҳида жавобгарлик белгиланганидир. Албатта, мамлакат сиёсий ҳаётидаги энг муҳим жараёнда мансабдор шахсининг масъулияти катта бўлади ва унинг жавобгарлик даражаси ҳам шунга яраша юқори бўлмоғи зарур.

Таъкидлаш жоизки, илгари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сайлов қонунчилиги билан боғлиқ жавобгарликлар мавжуд эмас эди. Бундай ҳуқуқбузарликлар Жиноят кодексидаги 146-модда (Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) ҳамда 147-модда (Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш) билан таснифланар эди.

Шу ўринда «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳам сайлов жараёнида адолатли ўтишини таъминлаш ҳамда барча сиёсий партияларга тенг шароит яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилгани сайлов жараёнларида қонун устуворлиги ва адолат таъминлигининг таъминлишига хизмат қилади. Мазкур қонуннинг ҳаёта татбиқ этилиши сайлов эркинлиги принципининг янада тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизимини янада демократлаштиришга, сайловнинг ошкоралиги ва шаффоқлиги принципларини мустаҳкамлашга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мустақилигини таъминлашга хизмат қилади.



Эртанинг эгалари доимий эътиборда

➤ Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Хар бир давлатнинг тараққиёти шу мамлакатда истиқомат қилаётган фуқаролар ижтимоий онгининг қай даражада шаклланиши, халқнинг саводхонлик ва билим даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу боис таълим тизимини тўғри ишлаб чиқиш, уни амалиётга самарали жорий этиш мамлакат ривожининг бош омили ҳисобланади. Хар бир соҳадаги ривожланиш ва тараққиёт таълим тизими билан ўзвий боғлиқдир.

Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон учун ижтимоий ҳаётнинг барча жабхалари сингари таълим соҳасини ҳам тубдан ислоҳ қилиш устувор вазифа сифатида турарди. Шу мақсадда, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқилган ҳолда, халқ таълими тизимини жадал ислоҳ қилишга киришилди. Хусусан, миллий таълим тизимининг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий базада, авваламбор, хар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини пухта ўзлаштиришнинг, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш назарда тутилди.

Жумладан, Конституциянинг 41-моддасида "Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир" деган норма акс эттирилди. Ушбу норма аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг таълим олишга бўлган ижтимоий эҳтиёжини қондиришда бош мезон ҳисобланади.

Юртбошимизнинг саясий ҳаракатлари билан МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, мамлакатда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаблари даражасига кўтариш, Ватанимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мақсадларига қаратилган иккита асосий ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари қабул қилингани эътиборга молик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ушбу икки қонун

таълим соҳасини норматив тартибга солиш ҳамда ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда муҳим фундаментал асос вазифасини ўтаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга татиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланди. Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуқсиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган янги таълим мажмуи ҳисобланади. Бунда таълим тизимининг хар бир бўғини алоҳида ўринга эга. Дастурни тўлиқ амалга ошириш, қўйилган вазифаларга эришиш ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражасига, уларнинг ўзаро уйғунлигига боғлиқ.

Таълим тизимини тўғри ишлаб чиқиш, уни амалиётга самарали жорий этиш натижасида Ўзбекистон таълим тизимининг мазмуни ва сифати, таълимнинг савияси ҳамда мактаб ишларининг даражаси бўйича дунёдаги етакчи давлатлар каторига чиқиб олди. Бунинг самараси сифатида дунёда ўзини хос кўриниш ва мезонларига эга бўлган таълимнинг "ўзбек модели" юзага келди. Ҳозирги кунда бошқа давлатлар мазкур моделни хар томонлама ўрганиб, соҳадаги ислохотларни амалга оширишда ушбу моделнинг афзаллигини тан олган ҳолда, уни ўзларининг таълим стандартларини ишлаб чиқишда андоза қилиб олмақдалар.

Бугунга келиб, мамлакатимиз миллий таълим тизимида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимни қамраб олувчи янги узлуқсиз ва изчил тизими барпо этилди. Шунингдек, олий таълимнинг бакалавр ва магистр тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилди. Доктора тура фаолияти ривожланиб, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилди.

Бундан ташқари, илғор мамлакатларнинг тажрибалари асосида ва чет давлатлар билан ҳамкорликда қўллаб олий ва бошқа ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари очилди. Олиб борилган ислохотларнинг натижасига кўра, Ўзбекистонда "академик лицензия"дан тортиб "академия"га ча бўлган замонавий, анча мукамаллашган янги таълим тизими вужудга келтирилди.

Олий ўқув юртлири хузурида ташкил этилган академик лицейлар ёшларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича олий маълумот олиш учун янада чуқур билим эгаллаш, коллежлар эса махсус фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, мустақил ҳаётга қадам қўяётган хар бир битирувчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин топиш учун 2-3 мутахассислик бўйича ўрта малакали касб эгаллаш имконини бермоқда.

Янги миллий таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги дарсликлар ва махсус ўқув қўлланмалари яратиш орқали таълим жараёнининг мазмуни тубдан такомиллаштирилди. Айтиш жоизки, ихтисослашган олий ўқув юртида академик лицей ва коллежлар учун замон талабларига жавоб берадиган янги тоифадаги ўқитувчиларни тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

Айни вақтда юртимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бормоқда. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи оширилиб, теле-

видение ва радио таълим дастурларининг интеллектуаллашуви таъминланди. Фан ва таълимнинг наشريёт базаси ривожлантирилди, ўқув, ўқув-услубий, илмий адабиётлар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармонида кўра, мактаб таълим тизими тубдан яхшиланиб, энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартлари шакллантирилди, яшаш жойидан қатъи назар, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминлаши даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратилди ҳамда ўқитувчилар меҳнатини хар томонлама рағбатлантириб боришга эришилди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда давлат бюджети маблағларининг 34 фоизи таълим соҳасини ривожлантириш учун йўналтирилганлиги соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаб, замонавий илмий-педагогик ўқитиш услубларини қўллаш орқали таълим тизимини сифат жиҳатдан бойитмоқда.

Шу билан бирга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни қучайтириш мақсадида ҳукумат қарорига мувофиқ, олий ўқув юртига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб тўлаш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш амалиёти жорий этилди.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб боришмоқда. Биринчи синф ўқувчиларини, "Меҳрибонлик уйлари", мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг тарбияланувчиларини, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарс-

ликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан бепул таъминлаш тизими жорий этилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-отасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш мақсадида ҳукумат қарори қабул қилинди. Натижада болаларни озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал ва шахсий гигиена буюмлари билан таъминлаш, шунингдек, уларнинг шахсий харажатлари учун хар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан пул маблағлари бериш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Соғлом бола йили" Давлат дастурига биноан жорий йилда таълим соҳасида олиб борилиши керак бўлган бир қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, соғлом ва хар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу борада қўлай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган янги қоида ва мезёрларни ишлаб чиқиш, таълим-тарбия тизими ва спортнинг ролинини қучайтириш, мактабга таълим муассасалари тармогини кенгайтириш, уларни юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан таъминлаш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаш ҳамда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, соғлом болани тарбиялаш бўйича илғор халқаро тажрибани кенг қўллашга ўрганиш ва амалда жорий этиш каби муҳим вазифалар шулар жумласидандир.

Шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасида олиб борилаётган ислохотлар мамлакатимиз келажакнинг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустахкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Фарҳод БУРАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Давлат бошқаруви академияси тадқиқотчиси

САЙЛОВ ТИЗИМИ:

➤ "Адолат" шарҳи

Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов жараёнларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу сабабли, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ демократик принципларга асосланган сайлов тизими ва қонунчилигини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги халқимизнинг бой миллий кадриятлари ва тарихий давлатчилик анъаналари асосида сайловга оид халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда яратилган бўлиб, фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг давлат ҳокимиятини шакллантириш ҳамда давлат бошқарувидаги эркин иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Сайлов ҳуқуқининг мазмун-моҳияти ҳамда хусусиятларини тахлил этишдан олдин ана бир атама, яъни сайлов тизими ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Сайлов тизими — демократик жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми бўлиб, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишдан иборат ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисини англатади. Ушбу тушунча давлатнинг сайлаб қўйиладиган органларини шакллантириш тартиб-таомилларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Хорижий давлатлар тажрибасида сайлов тизимининг мажоритар, пропорционал ва аралаш турлари фарқланади.

Мажоритар сайлов тизими муайян сайлов округидан сайловчиларнинг энг кўп овозини олган номзодлар ўртасида мандатлар тақсимлашини кўзда тутувчи сайлов тизимидир. Мажоритар сайлов тизими кўпчилик овози принципига асосланади ва бунда агарда номзод сайлов округидаги сайловчиларнинг ярмидан кўпроқ овозини олган бўлса, унда у сайланган деб ҳисобланади. Ўзбекистонда кўпчилик овозга асосланган мажоритар сайлов тизими қўлланилади. Бундай сайлов тизимида кўра сайловчиларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган номзод сайланган деб ҳисобланади. Ушбу тизимда одатда овоз беришда иштирок этувчи сайловчилар сонининг қўйи чегараси белгиланади, фақат бўлиб, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишдан иборат ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисини англатади. Ушбу тушунча давлатнинг сайлаб қўйиладиган органларини шакллантириш тартиб-таомилларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Хорижий давлатлар тажрибасида сайлов тизимининг мажоритар, пропорционал ва аралаш турлари фарқланади.

Пропорционал сайлов тизими асосан парламента бўлиб ўтадиган сайловларда қўлланади. Бунда сайловчилар аниқ

Фаолият мезони — зиммадаги масъулиятни англаш

Бугунги кунда Навоий вилоятида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 6500 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг 2600 нафарини ёшлар ташкил этади. Айтиш жоизки, партиядошларимиз орасида шижоатли, ташаббускор, интеллектуал салоҳиятли, изланувчан ёшлар кўпчилигини ташкил этади.

Партиянинг ёш фаоллари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни ёт ва зарарли гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган 30 га яқин тадбир ўтказилди. Навабхор қатлам ҳаётига доир долзарб мавзуларни қамраб олган тадбирларда 2000 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар моҳиятини бугунги кун билан ҳамқадам, чуқур билим ва мустақил дунёқарашга, ўз шахсий фикрига эга баркамол ёшларни тарбиялаш ташкил этади, — дейди ёшлар билан ишлаш бўлими етакчиси Шоҳрух Насимов. — Бунинг самараси ўлароқ бугун ёшларимиз орасидан барча соҳаларда фаол, тенгдошларига ўрнатилган, ўз заковати билан дунё ахлини лол қолдирган буюк аждодлар авлоди сифатида юрт доверуғини ҳахонга тараннум қилаётган иқтидор эгалари кашф қилинмоқда. Ана шундай истеъдодли ёшларимиздан бири Навабхор тумани Арабсарой қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Сарвиноз Бекбўтаева "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган.

Ҳақиқатан ҳам, биз ёшлар хар қанча фахрлансак аризиғулик шароитларда яшамокдамыз, — дейди Сарвиноз Бекбўтаева. — Нафақат ўқимиз, балки ўзимизга муносиб иш топишимиз, жамиятда ўз ўрнинизга эга бўлиб, юрт ривожига ҳисса қўшимиз учун ҳам барча имкониятлар, шароитлар мавжуд. Муҳими, улардан оқилона фойдаланиш, бор куч-ғайратни Ватан ободлиги ва фаровонлиги йўлига бахш этишдир. Ана шундангина биз ёшлар ёруғ келажак учун мустахкам пойдевор яратган бўламыз. Ўзимнинг мисолимда гапирадиган бўлсам, мутахассислигим бўйича Навабхор туманидаги 17-сонли умумтаълим мактабда "Миллий гоғ ва маънавият асослари" фанидан дарс бериб келяман. Шу орқали оиламга, жамиятга, ўсиб келаятган келажакимиз эгаларига, озода ва обод Ватан қорига нафим тегишига ҳаракат қиламан.

Бундан ташқари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари сафида туриб, ёшлар ўртасида социал-демократик гоғларни тарғиб этишга, уларни ватанпарвар, замон билан ҳамнафас ёшлар этиб тарбиялашга қаратилган партия тадбирларида қатнашиб, ўз тажрибаларим билан ўртоқлашаман.

Туманимизда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол қатлам — ёшларнинг кўпчилиги тарғибот ишига янада жиддийроқ қарашни талаб қилади, — дейди партиянинг Навабхор туман кенгаши раиси Равза Алиева. — Электрат доирасини имкон қадар тўлароқ қамраб олиш, турли тадбир ва лойиҳаларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилаёмиз. Бугунги кунда вояга етмаган ёшларга кўпроқ эътибор қаратаёмиз. Бугунги кунда вояга етмаган ёшлар учун ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Ёшларнинг аҳолий тарбиясини қучайтириш, миллий менталитетимизга зид бўлган зарарли таъсирларга қарши курашиш мақсадида таълим-тарбия муассасалари, оила институти ва маҳаллар ўртасида ўзаро уйғунлиқни таъминлаш, бу борада турли тарғибот воситалари, жумладан, матбуот имкониятларидан кенг фойдаланиш, энг муҳими зиммадаги масъулиятни англаш.

Садоқат ШАМСИЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби

Самимий мулоқотлар давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг расмий сайтида хобар берилишича, айни кунларда республика олий таълим муассасаларининг 1-босқич талабаларини табриқлаш учрашувлари давом этмоқда.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Вахабов, республика Маъ-

навият ва тарғибот маркази кенгаши директори Қ.Қуронбоев иштирокида ўтказилган навбатдаги учрашув давлатимиз раҳбарининг "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва му-

тафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциясида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқини хар томонлама чуқур ўрганишга бағишланди.

Учрашув давомида юртимизда ёшларнинг улуг аждодларимиз сингари юксак илмий-амалий ютуқларга эришадиган учун барча шарт-шароит яратилгани, сўнгги йилларда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самараси ўлароқ юқори марраларга эришаётган ёшларимизнинг

сонини ортиб борётгани эътироф этилди.

Самимий мулоқот тарзида ўтказилган бу каби учрашувлар Тошкент кимё-технология институтининг Кўнғирот сода заводи қошида жойлашган махсус сиртки бўлими талабалари ҳамда Хоразм вилоятидаги олий таълим муассасалари талабалари билан ҳам ўтказилди.

Миллий ва хорижий тажриба

бир шахсга эмас, балки партияга овоз берадилар. Бу сайлов тизими кўппартиявийликка асосланиб, унга кўра, бутун мамлакат ягона бир сайлов округи этиб тан олинади ва партия уни ёқлаб овоз берганларнинг улушига мос равишда парламентдаги жойларга эга бўлади. Пропорционал сайлов тизимида сиёсий партия депутатликка номзодларнинг рўйхатини Марказий сайлов комиссиясига олдиндан топширади (хозирги вақтда Эстония, Норвегия, Польша, Чехия ва бошқа давлатлар парламентлари депутатлари сайловлари шу тизим асосида ташкил этилади).

Пропорционал сайлов тизимининг ижобий томонлари шундан иборатки, бунда камчиликни ташкил этувчи сайловчиларнинг овозлари ҳам инobatта олинади ва унда овоз олган сиёсий партиялар ҳам парламентдан жой эгаллайдилар. Бу сайлов тизимининг салбий томонлари шундан иборатки, сайловчилар бевосита номзодга овоз бермайдилар, балки сиёсий партияга танлаш имкониятини берадилар. Базми хорижий давлатларда ҳам пропорционал, ҳам мажоритар сайлов тизимига асосланиб сайловлар ўтказилади. Унда мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг ижобий ва салбий томонлари инobatта олинади. Бунда сайловчилар депутатларнинг айрим миқдорини мажоритар сайлов тизими асосида, айримларини эса пропорционал сайлов тизим асосида сайлайдилар. Бундай сайлов тизими аралаш сайлов тизими дейилади. Мазкур тартибдаги сайлов ўтказилишида сайлов бюллетени иккига бўлиниб, унинг ярмида номзодларнинг шахсига оид маълумот берилади, иккинчи ярмида эса сиёсий партиялар-

нинг номлари берилади. Бунда сайлов бюллетенини олган сайловчи ҳам алоҳида номзод, ҳам бевосита сиёсий партияга бир вақтнинг ўзида овоз беради.

Мамлакатимиз сайлов тизими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги каби қонунларда мустаҳкамлаб кўйилган. Мазкур қонунларга асосан Ўзбекистон сайлов тизимини кўйидагича ифодаш мумкин: Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига сайлов; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида сайловга доир халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принциплари ўз ифодасини топган. Ушбу норма ва принциплар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Парламентлараро Иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белги-

ланган тамойил ва қоидалар асосида шакллантирилиб, бевосита миллий сайлов қонунчилигимиз халқаро сайлов стандартлари талабларига мос келади.

Сайлов қонунчилиги тизими ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, қуйидагиларда ифодаланиши мумкин:

Биринчидан, сайлов ўтказилган мuddатнинг аниқ белгиланиши, яъни Конституция-мизда ваколат мuddати тугайдиган йили декабрь ойининг учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида ўтказилиши қатъий белгиланишининг аҳамияти муҳимдир. Чунки, ҳар бир сиёсий партия ёки фуқаролар ўзининг ҳаракат дастури ва сайлов платформасини белгилашда барқарорликни таъминлайди, сайловда қатнашувчи жамоат ташкилотлари, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун ҳам қулайлик туғдиради ва йил якунлари мана шу вақтга тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, янги мuddатга сайланган раҳбар билан янги йил режаларини белгилаш учун жуда муҳимдир;

Иккинчидан, Марказий сайлов комиссиясининг тузилиши ҳамда унинг ҳуқуқий мақоми қонунчиликда белгиланган бўлиши юртимиздаги нафақат Президент сайлови тўғрисидаги қонунчиликнинг, балки умуман сайлов борасидаги қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятини ва ютуғи ҳисобланади. Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида мустақил бўлиб, ҳеч қайси давлат бошқарув органига бўйсунмайди ва сиёсий мафуралардан холи ҳисобланади. Айни пайтда бундай органнинг тузилиши сайловнинг демократиявийлиги ва холислигини таъминлаш ҳамда сайловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Шу ўринда сайлов жараёнини ўтказишни ташкиллаштирувчи ва уни мувофиқлаштирувчи алоҳида органга эҳтиёж борми деган ҳақли савол туғилади. Ушбу масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, бир қанча давлатларда, жумладан, Польша, Бразилия ва Коста-Рикада сайлов жараёнини ташкил этиш ва уни ўтказишга раҳбарлик қилиш суд органларининг ваколатига кирса, Австрия ва Швецияда бу ваколат ҳуқуқнинг зиммасига юклатилган. Италия, Франция ва бошқа давлатларда эса ички ишлар органлари сайловларни ўтказиш ишларини ташкил қилади ҳамда унга раҳбарлик қилади. АҚШда эса сайловларни жойларда ташкил этиш ва ўтказиш бевосита Штатлар қонунлари асосида муниципал органлар зиммасида бўлади ва бошқалади.

Учинчидан, Президент сайловининг ҳозирги босқичига хос хусусият шундан иборатки, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шу мақсадда, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнамоқда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат мақоми-нинг белгиланиши, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайланиши ва сиёсий партия фракцияларига бошқа қатор

ҳуқуқларнинг берилгани мазкур қонуннинг нечоғли муҳим эканидан далолатдир. Бундан ташқари, Конституцияга киритилган тузатишлар асосида президент мақоми ўзгартирилиб, давлат бошлиғи ва давлат ҳокимият органларининг келишилган ҳолда фаолият олиб боришини ва ҳамкорлигини таъминлайди.

Мазкур сайловларнинг партиялар учун аҳамияти бекиёс бўлиб, мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Президент сайловлари сиёсий партиялар учун ўзига хос бир синов бўлади десак, муболага бўлмайди. Чунки сайловчилар ў ёки бу партия илгари сурадиган номзодга берган овозлари орқали маълум маънода сиёсий партия фаолиятига ҳам баҳо берадилар, муносабат билдирадилар. Бундан ташқари, бўлажак сайловлар сиёсий партияларга ўз дастурларини кенг тарғиб қилиш ҳамда ўз тарафдорлари ва электорати сонини кўпайтириш борасида бекиёс имконият бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз сайлов тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоида-талаблари, ривожланган демократик давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва халқимизнинг миллий менталитетини инobatта олган ҳолда шакллантирилган бўлиб, фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали эркин ҳамда ихтиёрий иштирок этиш учун тенг шароитларни кафолатлайди.

А. КАДИРОВ,
Адлия вазирлиги
қонун ҳужжатларини туркумлаш
ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси
бош маслаҳатчиси

Ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди

Гарвард университетининг Майкл Толли раҳбарлигида олимлар гуруҳи энг мураккаб шароитларда ҳам ишлашга қодир юмшоқ роботни намойиш этдилар.



Узунлиги бор-йўғи 65 сантиметри ташкил этадиган робот ўз "елкасида" батарея ва ҳаво компрессорини олиб юради. Аккумулятор қуввати икки соат ишлаш имконини беради, компрессор эса роботнинг исталган йўналишда ҳаракатланишини таъминлайди. Бундан ташқари, роботга митти камера ҳам ўрнатилган.

Тажрибалар жараёнида робот ўта оғир синовлардан ўтказилди. Жумладан, ў 9 градусли сувда қор тепалиқларидан ошиб ўтди, оловда ёнмади, енгил машина босиб кетганида ҳам ишлайверди, сувда чўкмади.

Айни пайтда олимлар мазкур робот имкониятларини янада ошириш устида иш олиб боришмоқда.

Таҳминларга кўра, бундай махсус роботлардан турли қидириш-қутқариш операцияларида фойдаланилади. Ўзларининг эгилувчанлик хусусиятига эга экани сабабли роботлар тор ва ҳаракатланиш мушкул жойларга ҳам бемалол кириб кетаверадилар. Айниқса, турли табиий офатлар, жумладан, зилзиладан сўнг омон қолганларни излаб топишда бундай роботлар жуда қўл келади.

Қушми у, роботми у...

Голландиянинг Энсхед шаҳрида жойлашган Твенте университети олимлари эса робот-бургут ва робот-лочинларни яратишди.



Маълумотларга кўра, бундай

темир қушлар фаолияти далалар ва аэропортлар устида кўп сонли қушлар йиғилиб қолиши муаммосини барафаз этишга қаратилган.

Робот-қушлар ҳам қўлда, ҳам автоматик режимда бошқарилади. Бундай қушларни синаб кўриш ишлари шаҳарнинг қушлар кўп йиғилмаган чикиндихонасида ўтказилди. Робот-қушлар кўкда соқчилик қила бошлаганидан бир неча кун ўтгач, ён-атрофда тўпланмаган қушлар сони кескин камайиб кетди.

Тадқиқотчилар яқин ойлар ичида темир қушларни аэропортлар ва кичик фермаларда синаб кўришни режалаштиришган. Агар бу тажрибалар ҳам муваффақиятли яқунланса, робот-қушларни оммавий равишда ишлаб чиқаришга ўтилиши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, мамлакатда яна йиллардан бери аэропортлар ёнида катта миқдорда қушлар йиғилиб қолиши муаммоси мавжуд. Бу ҳолат эса самолётларнинг учиши ва қўнишида жиддий хавфларни юзага келтирмоқда.


Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида шу пайтгача, мисол учун, Лейден шаҳрида қушлар тухумларини йўқ қилиш ишлари олиб борилади, Гаагада маҳаллий ҳокимият қушларга қарши лазер нурларини қўллаш самарасини ўрганмоқда. Схипхол аэропорти тепасидан эса кейинги икки йилнинг ўзида мутахассислар 17 минг ўрдак тўтдилар.

Олимлар робот-қушлар чиқараётган овозлар хавф-хатар сигнали бўлиб хизмат қилишини таъкидлашмоқда. Натихада ҳақиқий қушлар бу жойдан узокроққа учиб кетишга шовилмоқдалар.

Энг эътиборли жиҳати шундаки, темир қушлар хатар овозини чиқариш билангина қифояланмасдан, айрим қушлар тўдасини қувиб солиш вазифасини ҳам муваффақиятли адо этишган. Албатта, янги технология ҳаммага ҳам бирдай маъқул келмади. Жумладан, экологлар темир қушларнинг кўп миқдорда ишлатилиши экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблашмоқда.

Антиқа пойабзал ва камзул

Яқин ойлар ичида Ҳиндистонда кўрсатилган нуқтага қадар тўғри йўлни кўрсатиб борадиган кроссовкалар сотувга чиқарилади. 2011 йилдаёқ муҳандислар Криспиан Лоуренс ҳамда Анируд Шарма томонидан яратилган смарт-пойабзални айни кунларда стартап-компаниянинг 50 ҳодими синовдан ўтказмоқда.



Маълумотларга кўра тўқ қизил рангда чиқарилган кроссовкалар жойни GPS ёрдамида аниқлайди ва смартфонга махсус илова ёрдамида бошқарилади.

— Аввалига тажриба нусхаси биз ўзимизда синаб кўрдик, — дейди Криспиан Лоуренс. — Натихада ўзимизга керак объектни йўловчилардан сўраб ўтирмасдан, харитага ҳам қарамасдан осонлик билан топдик. Бизнингча, бундай пойабзаллар нафақат сайёҳларга, балки кўриш қобилияти заиф кишиларга ва болаларга жуда асқотади.

"Ақли" кроссовканинг тахминий нархи 100-150 АҚШ доллари атрофида бўлади. Ҳозирнинг ўзида муаллифлар бундай пойабзалларнинг 25 минг жуфтга бюрторма олиб улгуртишди. Ихтирочилар бир йил ичида кроссовкалардан камида 100 минг жуфт сотишни режалаштиришган.

Дарвоқе, эслатиб ўтайлик, Сиднейдаги уст кийимлар ишлаб чиқаришга мослашган фирма яқинда навигацион камзул ишлаб чиқиди. Гап шундаки, янги камзулнинг энги GPS-модул билан таъминланган. Камзул эгаси смартфондаги махсус илова орқали борар манзилни белгилайди. Қолгани эса энгларнинг иши, яъни гоҳ ўнг, гоҳ чап энг вибрация орқали қаерда қайрилиши кераклигини кўрсатиб туради. Бундан ташқари, камзулга ўрнатилган чироқли диодлар манзил кўриниши билан ёна бошлади. Барча ўрнатилган қурилмалар енгил, кўзга ташланмайди ва хавфсиз. Айни кунларда мўъжиза-камзул Европанинг бош шаҳарларида синовдан ўтказилмоқда.

Қаҳрамон Қўлдошев

Интернет хабарлари асосида Зилола Йўлдошева тўйёрлади.

Социал-демократлар

Шарҳ

Шимолий Европанинг ривожланган давлатларидан бири Швецияда ўтказилган парламент сайловларидан кейин амалдаги бош вазир икки йил муқаддам ҳам чилангар бўлиб ишлаган фаол сиёсатчига ўз ўрнини бўшатиб берди. Мамлакатнинг ҳукмрон партияси, ўнг марказчи "Швеция учун альянс" 14 сентябрь кuni ўтказилган парламент сайловида мисли кўрилмаган мағлубиятга учради. Бош вазир Фредрик Райнфельдт ўз мағлубиятини тан олиб, истеъфо берди. Янги коалицион ҳукуматни эса собиқ чилангар, касаба уюшмаси ҳамда социал-демократик партия етакчиси Стефан Лёвен бошқаришга тайёрлигини эълон қилди.

Социал-демократлар, сўллар ва яшиллардан иборат "қизил-яшил" мухолифат ушбу сайловда 43,8 фоиз овоз тўплади. Райнфельдт бошчилигидаги консерватив блок эса сайловчиларнинг 39,3 фоиз овозини тўлашга эришди. Учинчи ўрин "Швед демократлари"га насиб этди. Илдизи нацистик гоғларга бориб тақаллаган мазкур партия деярли 13 фоиз овоз тўплади. Умуман олганда, мамлакатдаги парламентга сайловларда жами саккизта партия иштирок этди.

Дарвоқе, Швеция парламентги — Риксдаг — бир палатали бўлиб, 349 нафар депутат ўрни бор.

Шундай қилиб, Швеция социал-демократлари узок танаффусдан сўнг биринчи марта ба ҳокимият тепасига келди. Консерваторлар эса 2002 йилдан бери илк бор мағлубият аламини тортишмоқда. Швециянинг янги тарихида бош вазир лавозимига узок ўтириб, ўзига хос рекорд ўрнатган Фредрик Райнфельдт энди нафақат ҳукумат раҳбарлиги, балки партия етакчилигини ҳам тарк этди. Уни мағлубиятга учратган социал-демократ Лёвеннинг сиёсатга кириб келганига эса атиги 2,5 йил бўлди.

Швециядаги мазкур парламент сайловлари узок вақтдан бери кузатилмаган энг қизиқarli сиёсий тадбир сифати-

ҳукумат тепасида



олди тарғиботи билан кўплаб овоз берувчиларнинг кўлаб-қувватловига эришган миллат-демократлар парламентдаги мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

Мамлакатда чоп этиладиган Aftonbladet газетасининг ёзишича, мазкур сайловлар натижалари бирмунча мураккаб сиёсий иқлимни яратди. Гап шундаки, ҳокимият тепасига келган мухолиф партияларнинг давомига ўнг консерваторларнинг солиқларни пасайтириши, ижтимоий тўловларни қисқартириши, меҳнат қонунчилигини либераллаштириши ва бир неча корхоналарни хусусийлаштириши сабабли ижтимоий йўналтирилган давлат тизимига сезиларли пугур этди. Бундан ташқари, ўта ўнг партия ҳисобланган "Швед демократлари"нинг муҳожирликка оид қонунчиликни кучайтириши ва европалик бўлмаган фуқароларнинг Швецияга киришини чеклаш тақлифлари ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкинлиги таъкидланмаётган эди. Сайлов натижалари ўз навбатида, бундай ба-шаротларнинг бежиз кетма-ганлигини кўрсатди. Айнан шу тақлифга асосланган сайлов-

дан ўрин олаётган ва муҳожирлик сиёсатига оид тақлифларни муваффақиятли илгари суриб, эътибор қозонаётган ўта ўнг кайфиятдаги "Швеция демократлари" позицияси билан ҳисоблашиларига тўғри келади.

Айни пайтда Стефан Лёвен нафақат сўл партиялар, балки мухолифатдаги консерваторлар билан ҳам ҳамкорликка тайёрлигини маълум қилмоқда. Шу билан бирга демократлар билан коалиция тузилиши тўғрисидаги таҳминларни қатъий рад этди.

Социал-демократик партия Швециядаги йирик сиёсий кучлардан бири ҳисобланади ва Риксдагдаги 349 ўриндан 112 тасини эгаллаган. 1994 йилдан 2006 йилгача социал-демократлар бир партияли ҳукуматни бошқарди ва ўтган асрда узок вақт бош сиёсий куч сифатида мавқеини сақлашга муваффақ бўлди. Кейинги тўрт йил ичида социал-демократик партия раҳбариятида кетма-кет ўзгаришлар юз берди. Партия етакчиси Мона Салин 2010 йилги сайловлардаги қоникарсиз натижалардан сўнг истеъфо берганди. Шундан сўнг 2011 йилнинг 25 мартида бўлиб ўтган партия съез-

дида янги етакчи этиб парламентнинг мудофаа масалалари бўйича кўмитаси раиси, 16 йиллик депутатлик тажрибасига эга, партиянинг анъанавий сўл қаноти вакили Хокан Юхольт сайланди. Лекин унга ҳам бу лавозимда узок ўтириш насиб этмади, яъни орадан ўн ой ўтар-ўтмас 2012 йилнинг 21 январиди сиёсий тўполонлар соясида истеъфого кетди. Партия ижроия кенгаши 2012 йилнинг 26 январиди Стефан Лёвенни янги раис ва партия аъзоси этиб сайлади. Бунга қадар Лёвен IF Metall раиси ва касаба уюшма етакчиси эди. Бироқ Лёвен сайланган депутат бўлмагани сабабли Риксдагдаги дебатларда ва унинг кундалик фаолиятида иштирок эта олмади.

Катта муваффақият келтирган мазкур сайловга социал-демократик партия консерваторларга мухолиф сифатида қарийб 8 йил куч йиғди, бу эса партиянинг 100 йиллик тарихидаги энг узок мuddатдир.

Хулоса қилиб айтганда, Швеция сиёсий сахнасида кучлар мувозанати ўзгарди. Сайлов натижаларига кўра "қизил-яшиллар" 159 мандатга, "Швеция учун альянс" — 142, "Швед демократлари" — 48 мандатга эга бўлишди.

Швеция социал-демократлари етакчиси Стефан Лёвен ўз сафдошлари олдида чиқиш қилар экан: «Швеция халқи ўзгаришлар талаб қилмоқда. Мен янги ҳукумат шакллантиришга тайёрман. Бошқа партиялар билан маслаҳатлашувлар ўтказаман. Мен Яшиллар сингари бошқа партияларга ҳам дўстона кайфиятдаман», деди.

Албатта, сайлов олдида берилган ваъдалар нечоғли амалга оширилади, овоз берувчиларнинг ишончи қай даржада оқланади, буни вақт кўрсатади.


Инновацион технология

Озон қатламини ҳимоя қилади

➤ Фан ва табиат

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, инсон озик-овқатсиз беш ҳафта, сувсиз 5 кун, ҳавосиз эса беш дақиқа яшashi мумкин экан. Демак, ҳаво тирикликнинг энг муҳим унсурларидан биридир.

Ҳавонинг таркибий қисмларидан бирини ташкил қилувчи рангсиз, ҳидсиз газ кислоро эса табиатда энг кўп тарқалган элемент ҳисобланиб, у билан тирик организмларнинг ҳаммаси нафас олади. Илмий тил билан айтганда, кислород молекуласи икки атомдан ташкил топган. Бироқ табиатда кислороднинг кўриниш шакли ўзгарган, учта атомдан иборат яна бир тури борки, ушбу ўтқир ҳидли, захарли модда Озон гази деб аталади.



бўлаётганини кўрсатди ва ҳозирда уларнинг фожиали оқибатлари ҳақида кўлаб башоратлар эълон қилинмоқда. Демак, озон қатламини муҳофаза қилиш масаласи бутунжаҳон ҳамжамиятини яна бир бора баҳамжиҳатликда фаолият қилишига ундайди. Шу аснода 1987 йил 16 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Дастури шафелигида озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколига имзо чекилган бўлиб, ўша йилдан буён деярли бутун дунёда мазкур сана Бутун

кўйилган. Ўтган давр мобайнида Протоколда белгиланган чора-тадбирлар натижасида бир қатор ютуқ ва муваффақиятларга эришилмоқда. Масалан, 1987 йилда Ер юзидан озон қатламини емирувчи моддаларга эга маҳсулотлар 1,8 миллион тонна миқдорда ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йил охирига келиб мазкур кўрсаткич тахминан 45 миң тоннагача пасайди. Яна бошқа натижалар ҳақида гап кетганда, бугунги кунда ривожланган мамлакатлар Монреал протоколи томонидан назорат қилинадиган барча кимёвий моддаларнинг 98 фоизидан ортигини ишлаб чиқариш ва истезмолидан воз кечдилар.

Глобал кузатувлар илмий натижалари нуқтаи назаридан атмосферада ва стратосферада озон емирувчи моддаларнинг даражалари кискараётганлиги тасдиқланди. Протоколнинг барча қоидалари тўлиқ бажарилган тақдирда 2050-2075 йилларга келиб озон қатламини 1980 йилгача мавжуд бўлган даражага қайтиши тахмин қилинмоқда. Биргина АКШнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Бошқармаси ҳисоб-китобига кўра, мамлакатда мазкур Протокол талабларига риоя қилиниши натижасида 2065 йилга келиб 7 миллионга яқин кишининг ҳаётини кутқариб қолиш имконияти пайдо бўлар экан.

Бундан ташқари, моддомики озон емирувчи моддаларнинг асқариёти ўз-ўзидан глобал иситишни келтириб чиқарувчи газлар экан, Монреал протоколига мувофиқ томонлар амалга ошираётган чора-тадбирлар глобал иситишга қарши курашишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ерининг озон қатламини муҳофаза қилиш масалалари мамлакатимиз сиёсатининг ҳам устувор йўналишлари қаторига киради. Шу боис 1993 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Монреал протоколнинг аъзо томони ҳисобланади ва унинг талабларини ижро этиш йўли билан келажак авлод учун мақбул шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси берган маълумотга қараганда, ҳозирги вақтда республикаимиз бўйича 99,95 фоиз озон емирувчи моддалар (ОЕМ) муомаладан чиқарилганки, яъни Монреал протоколи билан режалаштирилган жадвални илгариллаб кетди.

Республикаимизда ОЕМлардан босқичма-босқич воз кечтиришга эришишда ўсишни таъ-

Мазкур газимон озоннинг парадоксал, бир-бирига қарама-қарши хусусиятлари мавжуд бўлиб, улардан бири кўёш энергиясининг спектрдаги ультрабинафша қисмининг ютиш йўли билан Ергадаги кўёш нурларининг ҳалокатли таъсиридан ҳаётни ҳимоя қилиш ҳисобланади, яна бир жиҳати захарли газ сифатида ҳавонинг ифлослантиришида намоён бўлади. Бу эса бевоқиф инсонлар саломатлиги ва ўсимликлар дунёсига зиён етказиш эҳтимолини келтириб чиқариши мумкин. Бир сўз билан айтганда, озон атмосферанинг юқори қатламларида фойдали, ер юзаси яқинида эса зарарли газ ҳисобланади.

Озоннинг Ер атмосферасида жуда оз ва узокда эканлиги, унинг кўраи заминга етказиётган зараридан кўра, устун жиҳатлари мавжудлигини аниқлаётди. Стратосферада табиий равишда вужудга келган озон фойдали ҳисобланади. Агар кўёш нурлари Ерга буткул тушса, у ҳолда ҳайвонлар ва ўсимликлар гўёки улкан товада қовурилгандек қовжираб кетади. Бизга ультрабинафша нурларининг бир қисмидан камроғи ҳам етсади, акс ҳолда организмда кўйиш, тери саратони, кўриш нурунинг пасайиши, кўз касалликларидан катарактнинг авж олишига сабаб бўлади.

Озон қатламини эса турли сабабларга кўра сийраклашиши мумкин. Масалан, табиий сабаблардан бири вулқон отилиши ҳисобланиб, у билан бирга таркибиде олтингурут бирикмалари бўлган газлар ҳам отилиб чиқади. Олтингурут ҳавода бўлган бошқа газлар билан аралашади ва шу жараёнлар натижасида озон қатламини емирувчи сульфатлар ҳосил бўлади.

Бундан ташқари, илк бора 1974 йилда АКШнинг Калифорния университетининг икки олимиди Ф.Шервуд Роуленд ва Марио Молино санаот кимё вазиталарининг кенг тарқалган маъмуу бўлиши — хлорфторуглерод (ХФУ)ларнинг атмосферага узлуксиз ташламалари оқибатида озон қатламини таҳдид остида бўлиши мумкинлиги назариясини илгари суршиган эди. Улар ўз мақолаларида 1 хлор атоми 100 000 гача озон молекуларининг емириши тўғрисида тахмин қилдилар. Шундан сўнг Германиянинг Макс Планк институтининг профессори Пауль Крутценнинг илмий-амалий хизмати

туфайли озон қатламини емириши жараёни янада аниқлаштирилди. 1995 йилда дастлабки икки олим кимё ҳосиласида кўлга киритилган Нобель мукофотини озон оксидининг кимёвий бирикмалари стратосфер озоми емирилиши жараёнини тезлаштиришни исботлаб берган голландиялик издошлари Крутцен билан баҳам кўришади.

Шундай қилиб, надоматлар бўлсинки, озон концентрациясининг пасайиши "Озон туй-

НАСА мутахассислари қутилмаганда ер атмосфера-сида катта миқдорда тетраҳлорид модал-си учраганлигини билдиришган. Маълумки, мазкур модал озон қатламини емириши сабабли тилга тушган.

Шу сабабли тетраҳлоридни ишлаб чиқариш бундан чорак аср буруноқ қатий ман этилганди. Мазкур келишув иштирокчилари бўлган давлатлар 2007-2012 йиллар мобайнида атмосферага бундай модал умуман чиқарилмаганлигини таъкидлашмоқда. Бироқ бундай катта миқдор ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди-ку!

Ҳисоб-китоблар эса ҳар йили ер юзидан 39 килотонна тетраҳлорид атмосферага чиқарилаётганини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олимлар мазкур модал аввалги мўлжалларга нисбатан деярли бир ярим баробар кўп вақт мобайнида атмосферада сақланиб туришни ҳам исботлашди.

Айни пайтда олимлар атмосферага озонни емиришга қодир бошқа бир қатор кимёвий моддалар назоратсиз тарзда чиқариб юборилаётганидан ҳам хавотирга тушаётганликларини билдиришмоқда. Зеро, аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, қудратли ультрабинафша нурларини она сайёрамизнинг исталган нуқтаси тепасида рўй бериши мумкин. Айниқса, атмосферага катта миқдорда кимёвий бирикмалар чиқараётган катта санаот шахарлари жиддий хавф остида.

Шу йилнинг апрель ойида, Фарбий Европа устида озон қатламини тезликда емирилад бошлаганида ҳам олимлар бонг уришганди. 2011 йилнинг март ойида эса Арктика осмонидан озон қатламининг деярли ярми емирилганлиги аниқланди. Шундан кейинги йилларда кишининг фавқулодда совуқ келиши мазкур жараён билан бевоқифа боғланган, дейишмоқда мутахассислар.

нуқлари" пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, ўтган асрнинг 80-йилларида олимлар Антарктида узра озон қатламининг юқаллашганини аниқлаган ва бундай ҳолатни баъзилар "озон дарчаси" деб аташган эди. Кейинги тадқиқотлар натижалари озоннинг емирилиши ҳар бир қитъа узра содир

жаҳон озон қатламини муҳофаза қилиш кунини сифатида кенг нишонланади.

Бугунги кунда 197 та мамлакат томонидан ратификация қилинган мазкур ҳужжатда 100 га яқин озон емирувчи моддалардан фойдаланишни босқичма-босқич кискарттириш бўйича вазибалар қатий белгилаб

минлашда ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарор ва меъёрий-ҳужжатларнинг ўрни беқийёс. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги "Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2005 йил 11 ноябрдаги "Озон емирувчи моддаларни ва таркибиде улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқаришни тартибга солишни тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлари асосида юқорида санаб ўтилган маҳсулотларнинг импорт/эспортини тартибга солиш тизими жорий этилди, жуладан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш Бош бошқармасида ОЕМдан фойдаланишни тўхтатиш Миллий дастурининг ижросини мувофиқлаштирувчи Озон Офииси ташкил этилди.

Бугун юртимизда тегишли вазирилик ва идоралар томонидан корхона ва ташкилотлардан озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатишга қаратилган солиқ сиёсати чоралари билан ҳамоҳанг ҳолда озонни ҳимоя қилувчиларни рағбатлантириш чоралари тизими ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Глобал Экологик фондининг ҳамкорлигида лойиҳалари ёрдамида миллий ва минтақавий компонентлар, шунингдек, ГХФУлар ҳамда ГХФУларни қўлловчи жиҳозлар импорт устида назоратни кучайтириш ва уларга бўлган талабни тартибга солиш ҳамда муқобил технологиядан фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини кучайтириш мақсадида жойларда "Озон қатламини ҳимоя қилиш: энг яхши бошқарув ва мувофиқлик", "Биз озон қатламини ҳимоя қилсак, у бизни ҳимоя қилади", "Озон қатламини муҳофаза қилиш — миссия давом этади" сингари ном ва шиорлар остида маърифий-тарбиявий дастур, давра суҳбатлари ўтказилмоқда, озон қатламини муҳофаза қилишга йўналтирилган рисолалар чоп этилиб, тарқатилмоқда.

Фикримиз сўнггида дунё ҳамжамияти томонидан атмосферани муҳофаза қилиш, айрини турдаги ижтимоий-иқтисодий талафотларнинг олдини олиш мақсадида санаот тармоғида, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида инновацион, экологик хавфсиз технологиялар, энерготехамкор асбоб-ускуналардан фойдаланиш даврининг талабига айланган йулурганини яна бир бор таъкидлаб ўтамиз. Шу боис жойларда кенг жамоатчилик ўртасида бу борадаги тушунтириш-тарғибот ишларини янада кучайтириш талаб этилади.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири



13. ИНСОФ САРИ БАРАКА
Туй-ҳашамларда навбат таллашиб, бир-бирларига нордон гап қилаётган, одоб доирасидан чиқаётган санъаткорлар ҳақида кўп гапирилади. Афсуски, бундай ноҳушлиқлар транспорт воситалари ҳайдовчилари ўртасида ҳам тез-тез бўлиб туради. Ҳайдовчилар нафақат йўловчи талашади, баъзи ҳолларда йўл таллашиб, қувламачоқ ўйнашади. Баъзи устумон ҳайдовчилар йўналишли транспорт воситалари салоғига қўшимча ўриндиқлар ўрнатилган. Натижада, кекса йўловчиларнинг машинага чиқиши ва, айниқса, тушиши қийинлашади. Шундай машиналар борки, бирор киши навбатдаги бекатда тўшмоқчи бўлса, ҳайдовчининг ёнида ўтирган киши пастга тушиб, ўриндинки кўтариб туриши керак. Бу — ўта хавфли нарса.

14. ЁН ҚУШНИ — ЖОН ҚУШНИ
Шуқурлар бўлсинки, истиклол шарофати билан кўп янгиликларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун энди кўпчилигимиз ҳаётимизни компьютерсиз, интернетсиз, қўл телефонысиз, ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий автомашиналарсиз тасаввур қила олмаймиз. Бу яхши, албатта. Аммо...
Тасаввур қилинги, сиз янги автомашина сотиб олдингиз. Қўни-қўшиларингиз, маҳаллодошларингизнинг кўз ўнгиде ишга, бозор-ўчарга, меҳмондорчиликка энди машинада борасиз. Кечкурун уйга қайтасиз, сигнал чалсангиз, болаларингиз дарвозахонани очиб туришади.

Бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ, албатта. Бироқ, ўзингиз билан ёнма-ён яшаётган қўшиларингизнинг ҳаммасида ҳам бундай имконият бўлмаслиги мумкин. Шундай экан, баъзан йўлингиз бир бўлса, ишига, ўқиш жойига кеч қолаётган қўшиларингизга, врач кўригига шошилаётган болани аёлга ҳимнат қилиб юборсангиз гоят гўзал иш бўлади. Бунинг аксини қилсангиз — бекатда машина кутиб туришганини кўриб, кўрмаганликка олсангиз, ҳарқалай, яхши иш қилмаган бўласиз. Бир кун шу қўшни сизга бошқа бир пайтда бошқа бир жиҳатдан қор келиб қолиши мумкинлигини унутманг.

15. ҲУРМАТ ҚИЛСАНГ — ҲУРМАТ КЎРАСАН
Баъзан автомобилларга мой қўйиш шохобчаларида навбат таллашиб, бир-бирларига қўпол муомалада бўлаётган, иш жойларини рўқч қилиб, навбатсиз олдинга ўтишга ҳаракат қилаётган ёш ҳайдовчиларни учратиш қоламиз. Одамнинг ўзига билинмайди, аммо ташқаридан қараганда, жуда хунук кўринади. Бундай ҳолатларда ноғиронларга, бемор йўловчининг касалхонага олиб бораётган ҳайдовчига ёки таъзия маросимига шошилаётганларга йўл бериш яхши фазилатлар сирасига кирди.

Катта йўлда қутулмаган ҳодисалар ҳам рўй беради. Машина ўт олмай қолиши, бензин насоси ишдан чиқиши, рўлда бирор носозлик юзага келиши ёки ёқилги туғаб қолиши мумкин. Бундай пайтда ҳайдовчи ёнидан физиллаб ўтаётган машиналарга умид кўзи билан қараб туради. Шундай ҳолатларга дуч келган ҳайдовчи машинасини аста тўхтатиб, касбдошидан ҳол-аҳвол сўраши, қўланди келса, зарур ёрдам кўрсатиши керак. Чунки машина деганлари — жонсиз темир, эртага ёки бошқа бир пайт бу ҳолатга бугун ёрдамга муҳтож шофёрнинг олдиндан бепарво ўтиб кетган ҳайдовчининг ўзи ҳам тушиши мумкин. "Ҳурмат қилсанг — ҳурмат кўрасан" деган гапнинг маъноси шу.

16. ЙЎЛДАГИ ЗАРУРАТЛАР
Машинага турфа хил касб эгалари, турли ёшдаги кишилар чиқишади. Баъзан суҳбатлари тезда қовушиб кетади, манзилга бора-боргунча чақчақлашиб кетишади. Баъзан эса, нотаниш одамларда, бир-бирларидан ийманиб, одоб сақлаганга жим кетишади. Бирор зарурат юзага келса ҳам, тортиниб айтишмайди.
Ҳайдовчи уларни кузатиб бориши керак. Йўловчилар ичиде кексалар, болани ёки бемор аёллар бўлса, йўлнинг маълум жойларига тўхтаб, уларга имкон бериш зарур. Кимнингдир боши айланган, кимдир очиқ ҳавога чиққиси келади, яна кимдир...
Йўловчилардан бири (йўлнинг ёш йигитчалар) буркситиб папирос чека бошлади, ҳайдовчи уни одоб билан тартибга қақариши керак. Узоқ йўлга отланганда, чоррахаларда учрайдиган бозорчаларга яқинлашганда йўловчиларга қараб: "Бирор нима ҳарид қилмайсизларми?" деб сўраб бўлиш ҳам ортинчалик қилмайди. Баъзи ҳайдовчилар йўл бўйи машина транзистори овозини баландлаштириб, алмойи-алмойи мусиқа, кўшиқ тинглаб кетишади. Яхши кўшиқ — йўловчиларга кайфият бағишлаши аниқ. Аммо, транзисторнинг муравтини бурашдан олдин, йўловчиларнинг фикрини сўраш ҳам одобга кирди.

17. ҲАЙДОВЧИНING ШАХСИЙ ГИГИЕНАСИ
Тажрибали ҳайдовчининг машинасида қўл ювиш учун сув, сочиқ, пийёла, дори-дармон аптекаси ва шунга ўхшаш йўлда ноғохонда керак бўлиб қоладиган зарур нарсалар бўлади. Бу — узоқ йўллик тажрибадан келиб чиққан одат бўлиб, унга риоя қилиш жуда асқотлади.

18. АСЛО КЕЧИКМАСЛИК КЕРАК
Ҳайдовчи тайинланган (келишилган) жойга ҳамиша вақтида етиб келиши, иложи бўлса, беш-олти дақиқа олдин келиб, машинани йўлга тайёрлаб туриши зарур. Кечиккан ҳайдовчи йўлга шошилиб чиқади ва, албатта, зарур бир нарсани унутади.

19. КЎЧА — ИМТИХОН ЖОЙИ ЭМАС
Баъзи қитмир ҳайдовчилар йўлда тажрибасиз касбдошларини кўриб қолишса, уларни ё қаттиқ сигнал бериб қўчиштириб ёки йўлнинг бир томонида суриллашга мажбур қилишади. Бу энди — ярашмаган қилик. Хеч ким бир кунда ўз-ўзидан тажрибали ҳайдовчи бўлиб қолмаган. Шундай экан, устоз устозлик мақомиде туриши керак.

20. БИР ЗУМЛИК САБ
Катта чоррахаларда йўлнинг очилишини кутиб турибсиз. Мана, очилди ҳам. Аммо олдингиздаги машина ҳаракатни бир ёки икки дақиқа кеч бошлади дейлик. Бундай пайтда устма-уст сигнал чалиш одоб белгиси эмас.

21. ЭРКАКЧАСИГА ИШ ТУТИНГ
Кўриб турибсизки, рўлда аёл киши. Марҳаматингизни дариг тутманг — йўл беринг, имкон беринг. Унинг чиройли табассумидан бабахра қолманг.

22. ЙЎЛГА ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН ЧИҚИНГ
Устоз шоир Фафур Гуломнинг бир шеърда "Бу йўллар кўп қадим йўллардир..." деган таъсирчан сатрлар бор. Ҳа, биз бугун шошилиб, ҳеч нимани ўйламай ўтиб бораётган йўллардан, эҳ-хе, кимлар ўтмаган, дейсиз. Бу тоғ-тошларга, бу фушункор манзараларга, бу ойдан кечаларга кимларнинг назари тушмаган. Бу йўлларда ота-боболаримизнинг излари бўлиши мумкин, бу йўллардан биздан кейин фарзандларимиз, набираларимиз, эвара-чевараларимиз ўтади. Улар ҳам, худди бугун бизлардек, ишга, бирор тадбирга, дўстлар даврасига ёхуд оилалар, ота-оналар бағрига шошилишади. Шуларни эслаб, билган дуоларни ўқиб, яхши ният, яхши кайфият билан йўлга чиқинг, азиз ҳайдовчи.

Машинангизга таниқли кишилар, катта лавозим эгалари ҳам чиқишлари мумкин. Аммо улар, ўриндиққа ўтиришлари билан, оддий йўловчига айланишади. Уларнинг манзилларига соғ-саломат етиб боришлари энди сизга боғлиқ. Шундай экан, энг аввало, ўзингиз, сўнг улар ҳам йўловчи сифатида йўл қондиларига, хавфсизлик талабларига риоя қилишлари зарур. Бу ёни энди сизнинг маҳоратингизга боғлиқ, ҳурматли ҳайдовчи.
Йўлингиз ҳамиша ойдin бўлсин!

Ўз мухбиримиз

Ота АХМАД

"Болалар китоби"

Пойтахтимизнинг Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Соғлом бола йилга бағишлаб "Болалар китоби" республика фестивали ташкил этилди.

Фестивалдан кўзланган асосий мақсад ҳам истиқлол йилларида маънавият, адабиёт, ноширлик соҳаларида кўлга киритилган улкан ютуқ ва марраларни кенг жамоатчиликка етказиш, болалар адабиётини ривожлантириш, ёшларни истиқлол гоғларига садоқат, она Ватанга муҳаббат, ибратли аёнана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда китобнинг аҳамиятини янада кенгайтиришдан иборатдир.

"Болалар китоби" республика фестивалида олтишдан ортиқ нашрийёт ва матбаа корхонаси ўз китоб маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Китоб байрамиде Президентимизнинг сўнгги йилларда чоп этилган асарлари кўргазмаси, Соғлом бола йилга бағишланган ҳамда нуфузли халқаро китоб ярмаркаларида совринли ўринларга муносиб топилган китоблар тақдимоти ташкил этилди.

Фестиваль доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси билан ҳамкорликда ёш ижодкорлар, адиб ва шоирлар, расом-дизайнерлар ўртасида "Ўзбекистон — янги Ватан!" мавзусидаги танлов ўтказилди. «Энг яхши ёш ки-

тобхон», «Китобхон оила», «Менинг биринчи китобим», «Атроф-олам муҳофазаси — саломатлик гарови», «Китоб — энг яхши соғва» мавзуларида викториналар, интеллектуал ўйинлар, «Китоб ўқини ёқтирасизми?» мавзусида ижтимоий сўровномалар ўтказилди.

Тошкент шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказларида адабиёт, бадий ижодга оид тўғрақарал аъзолари ишларининг кўргазмаси, болаларга мўлжалланган театр жамоаларининг бадий чиқишлари, спектакллардан лавҳалар, концертлар, расмлар кўргазмаси фестивалга кўтаринки кайфият ва ранг-баранглик бағишлади.

ADOLAT
ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Ташкил ҳайати: Директор ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Мамозит ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖҲРАЕВ, Мухаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошқўлат МАТИББЕВ, Ахлиер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партияс турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-46-64 (146); Қўлабухона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).
Навбатчи муҳаррир — Қарҳмон Қўлошев. Навбатчи — Гуломжон Хидиров.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Ташрият маъноси: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарк тўғри» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru

ISSN 2013-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона маъноси: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўвғи бўлими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ, Офсет усулида босилган. Бюджетга Г — 900. Ладаи — 5942.
Босилгача топшириш вақти — 21.45. Босилгача топшириш вақти — 23.15

1 2 3 4 5

Баҳоси келишилган нарҳда